


## ПАХТА ТЎПЛАМИНИ ТИТКИЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Хасанов У.О., Джамолов Р.К.

“Толали экинлар илмий тадқиқот институти”

Қия тозалагичда тиқилишлар содир бўлаётган қозикли барабанларни очиб кўрилганда пахтанинг тўплам ҳолатида эканлиги ва ушбу тўпламлар тиқилишлар содир қилаётганини аниқланди, шунинг учун пахтани бўлакларга ажратиб, титкилаб узатишни таъминлаш учун ускунага таъминлагич валикни ўрнатиб (1-расм), таъминлаш валикларини горизонтал ўққа нисбатан бурчак остида жойлаштириш ва таъминлаш валикларининг айланишлар сонини ҳар хил қилиш билан пахтани бўлакларга бўлиб титкиланишини кўриб чиқамиз.



1-расм. Таъминлаш валигини жойлаштириш схемалари.

1-таъминлаш валиги; 2-қозикли барабан; 3-тўрли юза.

- а) валикнинг горизонтал текисликка нисбатан  $15^{\circ}$  бурчакда;  
 б) валикнинг горизонтал текисликка нисбатан  $30^{\circ}$  бурчакда;  
 в) валикнинг горизонтал текисликдаги ҳолати  $0^{\circ}$ .

Бунда таъминлаш валикларининг жойлашиш ўқини горизонтал текисликка нисбатан 0 дан  $30^{\circ}$  бурчакка бурилиши ва пастроқга жойлашган биринчи таъминлаш валигининг айланишлар сонини юқорида жойлашган таъминлаш валигиникидан кўпроқ бўлиши, пахтани бўлакларга бўлиб титкиланишини таъминлайди. Ускунанинг таъминлаш валикларини жойлаштириш бурчагини ва айланишлар сонини титкилаш даражасига таъсирини ўрганилди.

Таъриба учун I-саноат навли дастлабки ифлослиги 7,2 %, намлиги 8,8% ли пахта олинди ва ускунага 7000 кг/соат иш унумдорликда пахта етказиб берилди.

Таъминлагични горизонтал текисликка нисбатан 0<sup>0</sup> дан 30<sup>0</sup> бурчаккача буриб, иккинчи валикнинг айланишлар сонини ҳам 26; 28; 30 айл/минга ўрнатиб, намуналар олинди, бунда биринчи таъминлаш валигини доимий 26 айл/мин.да қолдирилди. Валикларни алохида айлантериш учун уларни шкивга ўтказиб, алохида маторга улаб айлантеририлди, айланишлар сонини ўзгартериш учун 110 мм; 102мм; 95мм диаметрли шкивлар тайёрланди.

Ускунага узатилаётган пахталарни таъминлагич валикларидатирилишини тозалаш самарадорликка таъсирини ўрганишлар натижаси куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таъминлагични жойлаштиришнинг пахтани титкилаш даражасига ва тозалаш самарасига таъсирини ўрганиш натижалари

Таъминлагични жайлаштириш бурчаги, градус	Таъминлаш валикни айланишлар сони, айл/мин.	Тозалаш самараси, %	Чигитнинг механик шикастланишнинг ошиши, %
0	26	52,8	0,2
	28	56,6	0,25
	30	55,5	0,4
15	26	54,6	0,3
	28	60,2	0,4
	30	56,6	0,7
30	26	50,5	0,7
	28	52,4	0,9
	30	51,6	1,1

Юқоридаги тажриба натижаларидан таъминлагич горизонтал ҳолатида таъминлаш 52,8% ни ташкил этса, айланишлар сонини 2 айл/мин.га оширилганида тозалаш самарасини 56,6% га кўтарилганини кўрамиз, айланишлар сонининг 30 айл/мин.да эса тозалаш самараси 55,5% ни ташкил этиб, олдинги ҳолатига кўра пасайиши сезиларсиз ва чигитнинг механик шикастланиши эса 0,2 % га ошганини кўрамиз.

Таъминлагични горизонтал текисликка нисбатан 15<sup>0</sup> га ўзгартириб, валикни айланишлар сонини 26 айл/мин.да тозалаш самарадорлиги 54,6% ни ташкил этса, бурчакка эгилган пастроқда жойлашган валикнинг айланишлар сонини 28 айл/мин.да тозалаш самараси 60,2 % ни ташкил этиб, олдинги тезликка нисбатан 5,6 % га ошганини кўрамиз. Валикнинг айланишлар сонини 30 айл/мин.да эса пахтани топ ҳолатида тортиб кетишидан тозалаш самараси тушганини ва чигитнинг механик шикастланишини ортганини кўрамиз.

Таъминлагични жойлаштириш бурчагини 30<sup>0</sup> га ўзгартиришда эса таъминлагичлар жойлашуви пахтанинг келишига тўғри келмасдан валиклар орасининг катталанишидан титилиш даражаси пасайиб, валик томонидан пахтани тўп ҳолатида тортиб олиши кузатилди ва тозалаш самарадорликни пасайишига, чигитнинг механик шикастланишини ортишига олиб келди. Демак, валикларни бир биридан жуда пастга тушиши улар орасидаги масофани ростлаб бўлмаслигига олиб келиб, оралик масофадан пахта титилмасдан тўп ҳолатида ўтар экан, шунинг учун валикларни бир биридан катта масофага қочириб бўлмайди.

Тажриба натижаларидан таъминлагич валиklarининг горизонтал текисликка нисбатан жойлашиш бурчагини 15<sup>0</sup> да, иккинчи валикнинг айланишлар сонини 28 айл/мин.га ўрнатилишидан юқори самарага эришишимиз аниқланди.